O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ELEKTRON KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 8 июнь, сешанба № 68 (1956). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 8 июня, 2004 г. № 68 (1956). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТЧИЛАРИНИНГ АФИНА ШАҲРИ (ГРЕЦИЯ)ДА УТКАЗИЛАДИГАН 2004 ЙИЛГИ XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон спортчиларининг Афина шаҳри (Грекция)да бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш, уларнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришишини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги чексиз ватанпарварлиги мисолида ёш авлодни ўз Ватани учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда:

Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни қўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин;

мамлакат терма жамоасининг ўқув-машғулот йиғинларининг якунловчи босқичида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришини ва халқаро лицензион мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини ташкил қилсин;

мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур миқдорда спорт анжомлари, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси спорт делегациясининг таркиби ва унинг харажатлар сметаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасига харажатларнинг тасдиқланган сметасига ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт қўмитасининг 2004 йил учун календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик мукофотлар белгилансин:

олтин медаль учун — 100000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 50000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 25000 АҚШ доллари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда белгиланган мукофотларни бериш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси буюртманомаларига биноан мамлакат терма жамоасини зарур дори-дармонлар, фармакология препаратлари ва биологик фаол тикланиш воситалари билан таъминласин;

мамлакат терма жамоасига номзодлар учун даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этишга ёрдам берсин.

5. Давлат спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси Ўзбекистон спорт делегациясининг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришини таъминлаш учун республикага мақсадли равишда олиб келинадиган махсус спорт анжомлари ва инвентарлар, спорт кийимлари учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги халқаро мусобақалар иштирокчилари — Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:

Ўзбекистон спорт делегациясининг Тошкент — Афина — Тошкент йўналиши бўйича имтиёзли шартларда учишини;

Ўзбекистон спорт делегациясининг ВИП зали орқали бепул ўтишини таъминласин.

8. «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Фонон» акциядорлик жамиятига халқаро мусобақаларга бораётган республика спорт делегацияси учун Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эскизлари бўйича эсдалик буюмларини имтиёзли шартларда тайёрлаб бериш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро мусобақаларидаги иштироки оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июнь.

Истиқлолга ҳамиша посбонман

Оддий аскар Шерзод Мадатов олий маълумотли посбонлардан. Энг муҳими бу ҳам эмас, аслида. Тўғри, маълумот бурчни англашда, соҳа сир-асрорларини тезда ўзлаштириб олишда муҳим. Аммо соҳага ҳавас, қизиқиш билан қарамаса, Ватанга бўлган муҳаббат юракда чўғ бўлиб турмаса бари бефойда бўлиши мумкин. Шерзод бугуннинг ёшларидан. Яъни, истиқлолни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида нималар қилиши лозимлигини яхши англайди. Масалан, у компьютер илмини пухта билади. Иқтисодий жиҳатлар моҳиятига тушунади. Дарвоқе, у Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугатган-да. Бунинг устига бир оз муддат халқ банкида масъул вазифада фаолият юритган. Иқтисодни яхши англайди, деганда шуларни ҳам назарда тутаяпмиз. Мана, энди Қуролли Кучлар сафига келиб, қисқа муддат ичида армиямиздаги ислоҳотларни англаб, бугуннинг талабидаги аскар бўлишга ҳаракат қилмоқда.

— Профессионал асосдаги армияни шакллантириш биз посбонлардан ҳам улкан масъулият талаб этади. Аввало бурч тушунчасини англашимиз керак. Қолаверса, посбон бугунги ҳарбий-сиёсий вазиятни идрок этиб, ўз вазифаларига киришиши лозим. Аскар маънавияти ҳақида кўп гапирилмоқда. Маънавияти юксак ҳарбий Ватан тушунчасини, ватанпарварлик ғоясини теран англайди. Буюк аждодлари кимлар эканлигини, демакки, кимнинг ворислари эканлигини ҳис этади. Сафдош дўстларим билан кўпинча шу мавзуда мулоҳазалар юритамиз, — дейди оддий аскар.

Лавҳамиз қаҳрамони пойтахтнинг Яккасарой туманидан. Ҳадемай туғилган кунини, 24 ёшини қадрдон жамоасида нишонлайди. Муддатли ҳарбий хизмати эса истиқлол байрами олдидан ниҳоясига етади. Демак, ёзги ўқув мавсумида жанговар шайлиги даражасини кўрсатишга бир оз бўлса-да муддат бор. Мавсумнинг дастлабки кунларида фаоллиги билан эътибор қозонди. Айниқса, «йиғин» командаси бўйича ўқув тревогаси эълон қилинганда сафдошларига намуна бўлди. Шу боис гуруҳ командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аслиддин Суннатов унга минатдорчилик билдирди.

Олий маълумотли аскарнинг дунёқараши кенг. Ҳарбий соҳадаги билим, кўникмалар билан эса янада кенгайди, фикрлаш доираси. Бунда устозлари подполковник Инъом Тўйчиев, майор Улашбой Сиддиқовларнинг хизматлари бисёр.

— Ҳарбий ҳаёт менга кўп сабоқлар берди. Ватан йўлида; истиқлол йўлида ёниб яшаш, тинчлик, осойишталикни ҳимоялашга ўргатди. Хизматни тугатиб, ўз ишимни давом эттирсам-да, мен мустақиллигим посбони бўлиб қолаверaман, — дейди оддий аскар Ш. Мадатов.

Капитан Алижон САФАРОВ.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Ҳар бир ўқув машғулотида фаол қатнашган, билими, касбий маҳоратини кундан-кунга оширишга қатъий ҳаракат қилган посбоннинг ютуқлари, муваффақиятлари доим ошиб бораверади. Телефончилар секцияси командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Улуғбек Шариповнинг хизмат фаолияти эса бунга яққол мисолдир.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● СЕГОДНЯ СТУДЕНТ — ЗАВТРА ОФИЦЕР ЗАПАСА

НЕЗАБЫВАЕМЫЙ ПРАЗДНИК

В учебном центре Ташкентского высшего общевойскового командного училища завершаются очередные сборы студентов военных кафедр Национального университета Узбекистана и Ташкентского юридического института. В минувшую субботу состоялась церемония принятия Военной присяги студентами этих вузов.

С раннего утра в учебном центре многолюдно. Сюда с цветами в руках и улыбками на лицах прибыли родители, близкие, друзья и девушки «виновников» торжества.

Одними из первых для принятия Военной присяги вышли из строя лучшие студенты Ташкентского национального университета Мансур Сабуров, Мовлонбек Тожиматов, Санжарбек Расулов, Азаматжон Рахимов и юридического института Мирзахид Якубов, Бекзод Мамаказаров.

«... Клянусь свято соблюдать Конституцию и законы Республики Узбекистан, беспрекословно выполнять воинские уставы, приказы командиров и начальников, **строго соблюдать** воинскую дисциплину, быть честным, храбрым и бдительным воином...», — горделиво звучат слова Военной присяги из уст Сабита Набиева.

«... Клянусь во имя светлого будущего родного Узбекистана быть достойным защитником его государственных интересов и независимости...», — произносит Алишер Бобомуродов.

— Неизвестно, как в дальнейшем сложится наша судьба. Но день принятия Военной присяги в памяти останется на всю жизнь, — признаются в беседе студенты Азамат Рахимов и Анвар Ташмухамедов, только принявшие торжественную клятву. — Это для нас, наших родных и друзей поистине грандиозный и незабываемый праздник. И не случайно столько людей пришли сюда разделить вместе с нами эту радость.

Да, действительно, так. Среди гостей можно было видеть и 70-летнего дедушку Иманкула ата Дехканбаева, который пришел поздравить своего пятого внука Шерзода, и младших братишек и сестренок. Стали свидетелями торжества и тепло поздравили Рустама Зарипова его родители Жалилбек ака и Зухра апа, брат Улугбек, сестра Нодира. И многих других студентов ждали цветы и объятия родных и близких.

Выступившие на торжественном митинге начальник Управления военного образования Министерства обороны подполковник Ж. Раматов, начальник ТВОКУ генерал-майор К. Бердыев, ректор НУУ Т. Далимов и декан Ташкентского юридического института О. Закирова выразили уверенность в том, что Вооруженные Силы, офицерский корпус пополнятся достойными военнослужащими, лейтенантами запаса, которые не пожалеют сил и энергии для процветания независимой Республики Узбекистан.

Майор Хайритдин ЗАННИЛОВ.

Соғлом ўсинг, болажонлар!

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг «Оила» тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун кундузги шифохона очилди. У Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан жамғарма билан биргаликда ташкил этилди. Ёз бўйи ишлайдиган шифохона очилишига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

Бундай шифохонани ташкил этиш тўғрисида қарор Меҳр ва мурувват йили муносабати билан мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган давлат дастурлари ижроси доирасида қабул қилинган эди. Бу борада Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини доимий ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кундузги болалар шифохонаси очилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашди.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ТРАСЕКАни ривожлантириш йўлида

Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божхона институтида Европа Иттифоқи (ЕИ) ва ТРАСЕКА дастури шафеълигида ўқув семинари бошланди. Унда ТРАСЕКАга аъзо 12 мамлакат ҳамда Туркманистоннинг транспорт ва божхона идоралари ходимлари иштирок этмоқда.

Семинарнинг очилишида сўзга чиққан Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи Ш. Шораҳмедов, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи А. Абдувалиев ҳамда Европа Комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари П. Редиш ТРАСЕКАни ривожлантиришда мазкур тадбирнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидладилар.

15 июнга қадар давом этадиган мазкур семинар «Транспорт секторида раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилаётир. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади транспорт ва божхона ташкилотлари раҳбарларининг янги технологияларни ишга солишга, тизим ва коммуникацияларни ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилишга масъул шахсларга ҳамда ТРАСЕКА минтақасидаги манфаатдор доираларга Ғарбий Европанинг ноу-хаусини етказиш ҳамда ТРАСЕКА йўлагининг ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Нодирбек УЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири.

Ёшликдаги орзу рўёби

Тарбиячи офицер капитан Рашид Қосимовнинг «Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни»га бағишлаб посбонлар билан олиб борган машғулоти уларда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳатто айрим аскарларнинг мисол тариқасида келтирган далиллари ва ушбу мавзу борасидаги саволлари устозни бироз тер тўкишга мажбур қилди. Аммо, доимо матбуот саҳифалари ва адабиётларни мунтазам мутолаа қилиб, билимини бойитиб бораётган офицерни бу саволлар хижолатга солмасдан, аксинча фикрларини тўла-тўкис баён қилишга имкон берди. Рашид шогирдлари билан олиб борган ҳар бир машғулоти мана шундай кўтаринки кайфиятда ўтишини, уларга етказган ҳар бир маълумотни чанқоқлик билан тинглашларини хоҳлайди. Бунинг учун эса унда етарли даражада билим, тингловчиларини ўзига жалб қила олишдек нотиқлик хусусияти мавжуд. Унинг фикрича, хизматга келган ҳар бир аскар ҳарбий билимларни пухта ва мукаммал ўрганиши билан бир қаторда ўзининг жисмоний баркамоллигини ошириши ҳамда дунёқарашини кенгайтириб, ҳар томонлама ва мукаммал шаклланган ҳолда катта ҳаёт остонасига қадам қўймоғи лозим.

Зеро, бугунги кунда астасекин профессионаллашиб бораётган миллий армиямизнинг ўз олдига қўйган мақсадлардан ҳам бири шу-да.

— Аскарларга керакли билимларни бера олиш учун, аввалambор биз — офицер ва сержантлар етарли билим савиясига эга бўлишимиз керак, — дейди капитан Рашид Қосимов. — Ҳозир хизматга келаётган юрт ҳимоячилари ниҳоятда ақлли ва зукко. Айримларининг компьютерда тўла ишлай олишини, иккита-учта тилда бемалол мулоқот қилишини ҳамда билим даражасининг юқорилигини кузатиб, замонавий посбон худди шундай бўлиши кераклигини тушунасан.

Шунинг учун ҳам тарбиячи офицер қўл остидаги ҳар бир аскар билан алоҳида ишлаб, уларнинг қизиқиш ва интилишларига бефарқ бўла олмайди. Ўзидаги бор билимни посбонларга етказиб, уларга тўғри йўналиш ва кўрсатмалар бериб боради.

Лавҳамиз қаҳрамони бугунининг тарбиячи офицерларидан. Келинг, уни сиз билан яқиндан таништирай. Вазмин ва хушмуомала Рашиджон Қосимов 1977 йилда сўлим водийнинг Қува тумани Бузахўр маҳалласида яшовчи шифокор Раҳматжон ака ва Муҳаббатхон опаларнинг оиласида таваллуд топди. Табиийки, кўпчилик ота-она фарзандини ўз касби давомчиси сифатида кўришни истайди. Қизиқувчан ва тиришқоқ бўлган ўғлон тиббиётга эмас, балки милиция ходими бўлган қўшнисига ҳавас билан қараб, унинг касбига болаларча меҳр қўйди.

— Болалигимда ҳарбийлар билан ички ишлар ходимининг фарқига бормаганлигим учун, уни ҳарбий деб ўйлардим, — дейди мийиғида кулиб суҳбатдошим.

Ёшлигидаги эзгу ҳавас йиллар ўтиб қаҳрамонимизни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти сари етаклайди. Уни имтиёзли диплом билан якунлаган ёш офицер 1998 йилда илк фаолиятини Термиз гарнизонида бошлайди. 2002 йилдан буён эса Бухоро гарнизонида подполковник Баҳодир Азимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда тарбиявий ишлар бўлими катта офицери лавозимида хизмат қилмоқда.

Рашиджон ҳозирда оилали бўлиб, учта ширинданшакар қизалоқнинг отаси. Рафиқаси Наргизахон эса уйда фарзандлар тарбияси билан банд.

Ҳарбийлик касби фидойилик ва ватанпарварликни талаб қилади. Касбини севиб ардоқлаб келаётган капитан Рашид Қосимов бу йўлда асло чарчамайди. У тинмай билимларини ошириб, шогирдларига улашаркан, ҳарбийлик касбида фаолият олиб бораётганидан жуда мамнун.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Касбга садоқат ила

Мана ёзги ўқув мавсуми бошланганига ҳам бир ҳафта бўлди. Қайси қисм ва бўлинмаларда бўлмайлик, шахсий таркиб бир зумга бўлсада жанговар шайликни сусайтирмаган ҳолда мавсумда юқори натижаларни қайд этиш илинжи ила вазифаларини сидқидилдан адо этишаётганининг гувоҳи бўламиз. Оддий аскар Илҳом Аҳмедов ҳам янги ўқув мавсумини ўзи учун улкан синов даври деб ҳисоблайди.

— Қишки ўқув мавсумида имкониятларимни яхши ва аълога баҳолашди. Янги мавсумда эса илк ютуқлар ва натижалардан қаноатланиб қолмай, оз бўлсада мавжуд камчиликларимни бартараф этиб янада юқори кўрсаткичларга эришишни мақсад қилиб қўйганман, — дейди посбон.—Бу мавсум мен учун имкониятлар, муваффақиятлар даври бўлади, деб умид қиламан.

Илҳом алоқачилар қисмида ҳайдовчи вазифасида хизмат қилади. Бажараётган вазифасига садоқат билан ёндашаётган йигит сафдошларини ҳам ана шундай хизмат қилишга руҳлантира оладиган Ватаннинг сара ўғлонларидандир.

Ҳ. КОМИЛОВ.

5 июнь куни АҚШнинг қирқинчи президенти Роналд Рейган ҳаётдан кўз юмди. Бир неча йил бурун Алцгеймер касаллигига чалинган собиқ президент ўзининг Лос-Анжелес шаҳри ёнидаги уйида ҳаёт билан видолашди.

Тўқсон тўрт йил умр кўрган Р. Рейган нафақат АҚШ, балки дунё сиёсатида ҳам сезиларли из қолдирди. Аввал киноактёр сифатида яхшигина муваффақият қозонган Р. Рейган Оқ уй раҳбари бўлгач, АҚШ халқининг самимий ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. Р. Рейган Калифорния штатидаги Сими Вэлли шаҳрида жойлашган Р. Рейган кутубхонаси ҳовлисига дафн этилади.

***

Во Франции обесточены три крупнейших железнодорожных вокзала. Как сообщает НТВ, из-за акции профсоюзов электриков полностью парализована работа вокзалов Сен-Лазар, а также международного Северного и Лионского вокзала.

***

Афғонистоннинг шимолигарбида жойлашган Италияга тегишли хайрия жамияти ваколатхонаси биносига граната ташланган. Полиция хабарига кўра, амалга оширилган кўпорувчилик натижасида ҳеч ким зарар кўрмаган. Ваколатхона биносига ҳам айтарли шикаст етмаган.

***

По меньшей мере девять человек получили ранения в результате взрыва оружейного склада у мечети иракского города Эль-Куфа. Как сообщалось ранее, в Эль-Куфе был взорван склад с боеприпасами, принадлежащий боевикам из ополчения Муктады ас-Садра. По свидетельству очевидцев, здание мечети из-за взрыва загорелось, на место происшествия прибыли машины скорой помощи. Представители повстанцев обвинили в подрыве склада с оружием американских военных. В то же время в штабе американских войск в Ираке заявили, что в этом районе нет военнослужащих США.

***

Россия ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари олиб борилган жанговар ҳаракатлар вақтидаги вайроналар миқёсини аниқлаш учун Чеченистондаги барча аҳоли пунктларини ҳаводан суратга олишни амалга оширади. Бу ҳақда Россия ҳукумати вакили хабар берди. Унинг айтишича, шундай мурожаатни ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига Россия иқтисодиёт ривожланиш ва савдо вазири Герман Греф йўллаган.

***

В результате сильных ливней и урагана в Пакистане за прошедшие сутки погибли семь человек. Об этом сообщили в полиции Пакистана. Кроме того, в пакистанской провинции Пенджаб было разрушено несколько домов.

***

Америка Қўшма Штатлари, келаси йил охиригача Жанубий Кореядаги ўз ҳарбий группировкасини анчагина қисқартиришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлиги вакили Ким Сук америкалик дипломатлар билан ўтказилган икки томонлама музокарадрдан сўнг маълум қилди. «Яқинда америкаликлар бизга Жанубий Кореядаги ўз қўшинлари группировкасини 2005 йилнинг декабри охиригача 12,5 минг кишигача қисқартириш ниятлари борлигини маълум қилишди», — деб хабар қилди ташқи ишлар вазирлиги вакили.

***

Премьер-министр Израиля Ариэль Шарон внесет на голосование в Кнессет план о выводе всех еврейских поселений из сектора Газа в октябре. Об этом сообщил высокопоставленный дипломатический источник. Сегодня план, который предусматривает ликвидацию 21 поселения в секторе Газа и четырех из 120 на западном берегу Иордана к концу 2005 года, был одобрен кабинетом министров Израиля.

***

Душанба кундан Олимпия олови ўз эстафетасини Сеулда давом эттирди. Бу ерда Олимпия оловини биринчи бўлиб марафончи Хван Ен Чжо кўтариб борди. У 1992 йилда Барселонада ўтказилган Олимпия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлган.

Олимпия оловининг жаҳон эстафетаси 35 кун давом этади. Олов жаҳонининг 27 мамлакатидаги 34 та шаҳарда бўлади ва Олимпия ўйинлари очиладиган куни—13 августда Афинага етиб келади.

***

Новый премьер-министр Ирака Айяд Алави заявил Совету Безопасности ООН, что его правительство будет контролировать вооруженные силы страны и координировать все военные операции совместно с войсками возглавляемой США коалиции. Об этом говорится в письме Алави, которое было рассмотрено Советом Безопасности в ходе обсуждения роли иностранных военных в Ираке.

(По страницам Интернета).

АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР ПАНД БЕРИШМАЙДИ

Лейтенант Баҳодир Раҳимовни Марказий ҳарбий округда яхши билишади. Ёш, қобилиятли, тажрибали офицер сифатида. Ахир у «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида округда иккинчи ўринни эгаллаб, танилди-да. Ҳа, танлов ана шундай умидли ҳарбийларни кашф этди. Уларни миллий армиямиз шакллануви йўлида руҳлантирди. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Келинг, яхшиси офицер Раҳимов мисолида буни кўриб ўтайлик.

Президентимизнинг мазкур танлов бўйича Фармойиши моҳиятини ёш офицер қўл остидагиларга пухта тушунтирди. «Танловдан кўзланган мақсад ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, Ватанга, танлаган касбга муҳаббатни, ҳарбийлар ўртасида соғлом муносабатларни шакллантиришдир. Қолаверса, ҳарбийларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини, етакчилик сифатларини оширишдек мақсад ётибди, бунинг негизида» деди тушунтирар экан, жумладан у. Бу унинг танлов моҳиятини чуқур англаганидан. Аввало бу айтилганларга ўзи риоя қилиб, қўл остидагиларга намуна бўлди. Етакчилик қобилияти шаклланган командир ўз ортидан аскарларни ҳам эргаштирди. Масалан, оддий аскар Зокир Забировни олайлик. Вазифаси — катта мўлжалга олувчи. Каттақўрғонда бўлиб ўтган артиллериячилар йиғинида илк бор қатнашиши бўлса-да, вазифасини мукаммал бажарди. Баҳорги синовларда ижтимоий-сиёсий, жисмоний, тактик тайёргарликлардан сафдошларига намуна бўлди. Шу боис ўтган ўқув мавсуми якунида Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Пойтахтлик бу йигит бугуннинг посбони, деган тушунчани юракдан англайди. «Ватан ҳимоясига келдикми, масъулият юкини кўтара олишимиз лозим. Бунинг учун биздан соҳани пухта эгаллаш, профессионаллашув талаб қилинади. Масалан, мен мўлжалга олувчи сифатида вазифамни аниқ билишим керак. Нишон координатлари, снаряд траекторияси кабиларни билмай, аниқ ҳисоблаб чиқмай, жанговар вазифани моҳирона уддалай олмайман», дейди, жумладан у.

Дарвоқе, лейтенант Раҳимов ҳозирда катта лейтенант Фаррух Қодиров етакчилик қилаётган дивизионда батарея командири. Фикримизни яна жамоа посбонлари мисолида давом эттирсак.

...Шартли душман жанговар техникаси шиддат билан яқинлашмоқда. Мудофаа чизиғида турган артиллериячилар қўмондонликдан буйруқ кутишмоқда. Оддий аскар Мурод Давлаткаримов эгаллаган позиция сари жанговар техника гобора яқинлашиб келаяпти. Мурод тўпнинг катта мўлжалга олувчиси. Унинг биргина хатоси жамоасига қимматга тушиши мумкин. Ниҳоят, нишон узоқлигини аниқлади — тахминан 8700 метр. Энди бошқа координатлар ҳам аниқланиши лозим. Хуллас, катта мўлжалга олувчининг маҳорати сабаб шартли душман техникаси яксон этилди. Текширувчи офицерлар бу аҳил расчётни «аъло» баҳо билан табриклашди. Резервга бўшар экан, қорақалпоғистонлик посбон оддий аскар Давлаткаримовга Тавсияномa берилди. Баҳодирнинг шогирди ҳозирда олий ўқув юртларидан бирига киришга ҳозирланаяпти.

Пойтахтнинг Қорақамиш даҳасидан муддатли ҳарбий хизматга келган оддий аскар Ғайрат Қосимов кечаги ютуқларидан руҳланган ҳолда ёзги ўқув мавсуми машғулотларига киришди. Ҳисобловчи вазифасида хизмат қилаётган бу посбонда артистлик қобилияти борлигини лейтенант Раҳимов аввалданоқ сезган. Ғайратнинг мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ қувноқ билимдонлар баҳсида фаол қатнашганини билгач, ўзи қўллаб-қувватлаган ҳолда уни дивизион жамоалари ўртасидаги баҳсга жалб этди. Ғайрат тез орада батареяда ўзи сингари қобилиятли аскарларни жамлаб, бўш вақтларида беллашувга ҳозирлик кўрди. Натижалар ёмон бўлмаяпти. Бу баҳслар давомида посбонларнинг маънавияти, дунёқараши шаклланмоқда. Қўшимча изланишиб, кўп билимларга эга бўлишаяпти. Батареянинг фаол бу аскари ортда қолган мавсумдаги ютуқлари учун Фахрий ёрлиққа муносиб топилди.

Оддий аскар Рашид Разоқов ҳозирда резервга бўшаб кетган. Тўрткўл туманидан келиб, конституциявий бурчини виждонан бажариб кетди. Тавсияномага, Фахрий ёрлиққа эга бўлди. Батарея командири айни кунларда ўтаётган машғулотларида Рашид сингари аскарларни намуна қилиб, уларнинг ютуқларидан шахсий таркибга сўзлаб беради. Бу билан уларда ҳам хизматга иштиёқни, ҳавасни алангалатади. «Рашиддан мактуб олдим. Қадрдон жамоасини соғинганини ёзибди. Олий ўқув юртига ўқишга киришга ҳозирланаётган экан. Ана, қаранг, хизмат қилиб кетган жамоасига оқибатни. Аъло хизматлари рағбати сифатида олган Тавсияномаси асосида ўқишга киришига ишонаман», қабилида сўзлаб, сафга баҳорда қўшилган аскарларни ундан ўрнак олишга чорлади.

Лейтенант Раҳимовга алоҳида тўхталадиган бўлсак, у Намангандан. Ҳарбий сулола давомчиси. Яъни, акаси капитан Нодирбек Раҳимов ҳам ҳарбий соҳада. Ҳадемай Баҳодирнинг ҳарбий унвони бир погона ошади. Ишонамизки, «Энг илғор мутахассис» танловида эришган ютуқлари погонасидан ҳам юқорига одимлайди. Чунки у посбонларига, аскарлари эса унга ишонишади. Ўзаро ишонч мустаҳкам жойда одатда панд берилмайди.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

«Противник» не застанет врасплох

Для рядового Дильшода Рашидова и других молодых солдат, начавших службу в одном из артиллерийских подразделений Восточного военного округа, первая неделя летнего периода обучения запомнилась прежде всего интенсивными занятиями по сигналам боевой готовности. На них, впервые действуя плечом к плечу с офицерами, сержантами и более опытными солдатами своего воинского коллектива, каждый новичок начал осваиваться в новой для себя роли — члена артиллерийского расчета. Именно в эти дни у сослуживцев формируется первое мнение о новом пополнении и если новичок не проявит должного усердия и старательности, то потом ему еще очень долго придется утверждаться в глазах окружающих.

Бой, пусть даже и учебный, быстро высвечивает все положительное и отрицательное, что имеется в характере молодого человека. Вскакивая, с кровати по команде дежурного по подразделению, получая боевое оружие, действуя в качестве посыльного, механика-водителя или в составе погрузочной команды, новичок должен строго соотносить свои действия с сослуживцами, четко знать свое место в строю, укладываться в заданные временные нормативы.

На первых порах можно и растеряться. Особенно, когда надо после прибытия в парк боевой техники в составе артиллерийского расчета готовить к выезду в заданный район грозные боевые машины и артиллерийские орудия. Действовать порой приходится в составе сокращенного расчета, а значит за двоих. Вот здесь особенно незаменимы четкое руководство и личный пример военнослужащих контрактной службы. Таких, как командир секции Хошим Хайдаров, заместитель командира огневой группы — командир боевой машины младший сержант Гулом Раджапов, механик-водитель младший сержант Талгат Ингиталиев. Именно эти специалисты своего дела, обладающие большим служебным опытом, умеющие найти подход к любому солдату, цементируют сегодня воинские коллективы, показывают пример выполнения воинского долга.

Кстати, огромную роль в формировании нового поколения профессиональных военнослужащих, сегодня играют школы подготовки сержантов. Пять лет прослужил в Вооруженных Силах младший сержант Т. Ингиталиев, но только пройдя обучение в этом году в школе подготовки сержантов, в полной мере почувствовал ответственность за повышение своего боевого мастерства. Командиры учебной секции сержант Н. Нурматов, учебной группы сержант М. Якубов, Давлатов рядом с новичками чувствует себя уже опытными солдатами. Им доверяют наиболее ответственные участки, они первыми подсказывают сослуживцам, как надо действовать по тому или иному сигналу. Сегодня, когда срок срочной службы в армии сократился до одного года у них нет времени на раскачку. Прошло всего полгода, а к ним уже относятся как к опытным специалистам, от них требуют действовать на пределе сил и возможностей.

Для солдат артиллерийских подразделений привычно действовать в составе расчета — ведь орудие и боевая машина — коллективное оружие. Они по собственному опыту знают, что ошибка одного человека может означать неудачу для всего подразделения в реальном бою.

Занятия по сигналам боевой готовности, особенно на первом этапе, когда отрабатывались вопросы действий личного состава подразделений самостоятельно, до прибытия в часть офицеров, в полной мере показали насколько вырос уровень сознательности и ответственности наших солдат и сержантов. Все они, от только еще начавшего службу новичка и до умудренного опытом службы старшины дивизиона, действовали умело и четко, быстро и ответственно, с пониманием своей личной ответственности за безопасность народа и государства.

Подполковник Владимир КАЛОШИН, Ферганский гарнизон.

На снимке: **в комнате для хранения оружия. Младший сержант Хошим Хайдаров после получения сигнала выдает автомат рядовому Дильшоду Рашидову.**

Фото **Александра МРУЧАКА.**

● В СТРОЮ ВОЕННОСЛУЖАЩИЕ ПО КОНТРАКТУ

РЕЗУЛЬТАТЫ НАЛИЦО

— Добрая слава в нашем подразделении идет о младшем сержанте по контракту Шавкате Суярове, — рассказывает командир взвода старший лейтенант Ш. Садуллаев. — Это высококлассный специалист, отличник учебы, хороший спортсмен. Показывая подчиненным пример добросовестной службы, он не жалеет сил и времени для того, чтобы каждый из воинов успешно овладевал ратным мастерством, стал отличником боевой и общественно-политической подготовки.

Младший командир терпеливо работает с каждым солдатом, воспитывает у подчиненных сознательное отношение к воинскому долгу, организованность, трудолюбие, исполнительность, учит жить по уставам. Ш. Суяров часто рассказывает о славных традициях части, подробно анализирует опыт передовиков. Все это приносит хорошие плоды. Воины, проходящие службу в его секции, в зимнем периоде добились высоких результатов в учебе и службе, показали твердые знания на контрольной проверке.

Полезную инициативу проявил младший сержант Ш. Суяров, организовав ряд бесед под общим названием «Слово лучшим специалистам». Рядовые Ф. Батыров, В. Касымов, А. Якшибоев и другие рассказали сослуживцам о том, как они добиваются успехов в боевой учебе, что способствует выполнению принятых обязательств, обменялись опытом работы на технике. Это принесло большую пользу коллективу.

На одном из собраний, состоявшемся в начале учебного года, командир секции обратил внимание на необходимость повысить требовательность к каждому воину за его поведение, решительно вести борьбу с нарушителями дисциплины. В ходе обсуждения данного вопроса было решено поднять в коллективе роль критики, быть более требовательными к себе и своим сослуживцам. И надо отдать должное тому, что слово у воинов не разошлось с делом. За прошедшее время в коллективе не было нарушений дисциплины.

В жизни этого подразделения сержанты контрактной и срочной службы играют весьма важную роль. Многие из них хорошо подготовлены, работают творчески. Умелыми, волевыми командирами зарекомендовали себя также младшие сержанты Д. Обидов, А. Абдурасулов, Ш. Сапаров. В результате и их подчиненные показывают хорошие результаты, многие отличились на контрольной проверке.

И, конечно, тут в первую очередь видна умелая и направляющая рука командира подразделения. Старший лейтенант Ш. Садуллаев и его заместитель по воспитательной работе много работают с сержантами, заботятся об их общественно-политической, военно-технической и методической подготовке.

— Офицеры взвода помогают нам повышать воинское мастерство, — говорит младший сержант по контракту А. Абдурасулов, — овладевать искусством обучения и воспитания подчиненных. На проводимых с нами занятиях мы активно обсуждаем интересующие нас вопросы — о воспитательной роли дисциплинарной практики, о сочетании методов убеждения и принуждения в укреплении дисциплины, об авторитете сержанта и другие.

Да, офицеры взвода показывают младшим командирам пример конкретного руководства личным составом. Они инструктируют их в начале каждой недели, советуют, какую статью прочитать из газеты или журнала, призывают их быть всегда впереди, вести за собой личный состав.

Все это дало хороший конечный результат. Воины взвода успешно справились со своими задачами, уверенно взяли намеченные в соревновании рубежи, что и показала контрольная проверка. Они гордятся достигнутыми успехами и намерены и в дальнейшем приумножать их.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

Майор ишнинг кўзини билади



Кичик командирлар армиямиз таянчи ҳисобланиб, бугун профессионал асосда шаклланиб бораётган миллий армиямиз уларнинг хизматига суянади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари самарқандлик Хуршид Норматов ва андижонлик Умид Эшоновлар яқинда сержантлар тайёрлаш мактабида ўз билимларини ошириб қайтдилар. Айни пайтда улар ўзларига бириктирилган бўлинма билан ёзги ўқув мавсуми машғулотларини кўтаринки бир кайфиятда давом эттиришмоқда.

Қисм командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари майор Олимжон Бекназаров жамоанинг энг тажрибали офицерларидан. Самимий ва дилкаш Олимжон ҳеч қачон ўз шогирдларидан ёрдамини аямайди. Унинг самарали хизматлари ила мазкур қисм доимо илғорлар сафида. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишнинг кўзини биладиган майор қўл остидаги бўлинма билан юклатилган жанговар вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Сиз суратда кўриб турган (чапдан биринчи) майор Олимжон Бекназаров ёзги ўқув мавсуми қизғин тус олган шу кунларда шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Х. Норматов ва У. Эшоновларга техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Александр МРУЧАК суратга олган.

КЎПЛАР ОРЗУ ҚИЛГАН ДАРГОҲДА

Курсант Ўткир Сатторов Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги махсус факультетининг 4-курсида ўқийди. Махсус факультетда бўлганимизда, курснинг энг фаол курсантларидан бири сифатида уни бизга тавсия қилишди.

Бу факультетда ўқиш учун Ўткир астойдил тайёрланган эди. Интилганга толе ёр деганларидек, ҳаракатлари зое кетмади.

— Биз учун барча шароитлар яратилган, — дейди у. — Факультетимиз энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Ётоқхонамиз ҳам барча талабларга жавоб беради. Кутубхонамиз фаолияти ҳам бизни қониқтиради. Курсантларга тажрибали офицер-педагоглар замонавий ҳарб илмидан сабоқ берадилар. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ўқишни кўплар орзу қилади, аммо камдан кам йигитларга насиб этади. Мен шундай нуфузли даргоҳда таълим олаётганимдан ғурурланаман.

Ўткир фахрланганича бор. Бу ерда ҳаёт қизғин. Турли-туман қизиқарли тадбирлар, спорт мусобақаларидан ҳеч ким четда қолмайди. Ўткир Қашқадарё вилоятидан. У ерда ота-онаси, опа-укалари ҳамда севимли қизи яшайди. Уларнинг ҳаммалари билан хат орқали дийдорлашиб туради. Йигитнинг орзулари улкан. У офицер бўлиб, миллий армиямизнинг шаклланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга қатъий аҳд қилган. Бу эзгу ният йўлида қашқадарёлик гўзал қиз унга ҳамдам бўлишга ваъда берган.

Миржаҳфар ТЎРАХОНОВ, ЎзМУ талабаси.

У ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

Оддий аскар Дилшод Умаровнинг хизмат қилаётганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа муддат ичида эпчил, ғайратли ҳамда зукко йигит кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Дилшод асли фарғоналик. Хизматгача Наманган иқтисодиёт ва тадбиркорлик колледжининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, шаҳар судида ишлаган. Оилада ягона фарзанд бўлсада у ҳарбий хизматнинг бошқа турини танлашга ҳаракат қилмади. Унинг фикрича, йигит киши Ватан олдидаги қарзини узиш учун қулайлик излаши уят.

— Ҳарбий хизматнинг ўзига яраша машаққатлари бўлади, — дейди оддий аскар Дилшод Умаров. — Тажрибали командирлар кўмагида бу қийинчиликларни енга борасан. Лейтенант Равшан Ҳайдаров, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Эркин Муродовлар ҳарб илми сирларини мукаммал эгаллашимизда бизга сидқидилдан сабоқ бермоқдалар. Дўстларим — оддий аскарлар Тўланбой Шерназаров, Бобур Мамадалиевлар билан командирларимиз меҳнатини қадрлаган ҳолда халқнинг бизга билдирилган юксак ишончини оқлаймиз.

Дилшоднинг вазифаси телефончи-механик. Вазифасини яхши уддалаётганидан командирлари мамнун. Бунинг устига, компьютер билимдони ҳам ҳисобланади. Қатъиятли йигитнинг бурчини ҳалол, ёруғ юз билан ўташи шак-шубҳасиздир.

Руслан СОДИКОВ, ЎзМУ талабаси.

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

ПРИМЕР ДЛЯ ДРУГИХ

Служба подчиненных капитана Кобула Бакиджанова проходит в нелегких условиях. Отдаленность от части, привозная вода, горно-пустынная местность, близость Государственной границы... Однако трудности только сплачивают воинов, и по уровню полевой выучки и боевой готовности они сегодня одни из лучших в части.

В начале летнего периода обучения в первые дни занятий отличился командир группы лейтенант Д. Ишматов. Молодой офицер еще год назад сразу после прибытия в часть, зарекомендовал себя умелым командиром и хорошим воспитателем. Его подчиненные сегодня — лидеры соревнования как в боевой учебе, так и по несению службы.

Командир не раз ставил в пример военнослужащим контрактной службы и недавнего выпускника школы подготовки сержантов младшего сержанта Равшана Эркабаева. Назначенный заместителем командира группы, он уверенно руководит действиями подчиненных.

Подводя итоги боевой учебы за неделю, капитан К. Бакижанов не поскупился на похвалу передовым командирам. Ведь во многом благодаря их настойчивости при подготовке к первым занятиям, личному примеру в ходе действий по сигналам боевой готовности личный состав действовал четко и организованно. Молодые офицеры и сержанты — будущее наших Вооруженных Сил, и от них во многом зависит, какой станет наша армия в ближайшие годы.

В. НИКОЛАЕВ, **Ферганский гарнизон.**

ЭГИЗАКЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА



Ҳарбий хизмат Ватанни севган, эл-юрт осойишталиги учун ўзини масъул билган ҳар бир йигит учун юксак ифтихор ҳисобланади. Шу ўринда таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, Қуролли Кучларимиз сафига келиб қўшилишни ёшлигидан орзу қилиб юрган асл ўғлонларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Кўпчилик муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аскарларнинг шартнома асосида хизматни давом эттираётгани бунинг ёрқин далилидир. Фарзандларининг бундай шарафли мавқега эришганидан ҳурматли ота-оналар ҳамиша ҳурсанд. Қисмларга чиқиб, ана шундай аскарлар билан мулоқот қилиш эса янада мароқли.

— Фарғона вилоятининг Фурқат тумани, Деҳқонобод жамоа хўжалигига қарашли Болалик қишлоғидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилдик, — дейди Ҳасанбой ва Ҳусанбой Маҳмудовларнинг кичиги. — Ҳозир шартнома бўйича хизматни давом эттираяпмиз. Насиб этса, янада юксакроқ натижаларга эришиш учун тайёргарлик кўрмоқдамиз.

— Демак, ака-ука биргаликда хизматга чақирилиб, биргаликда шартнома асосида уни давом эттиришни ихтиёр этибсизларда?

— Худди шундай! Хизмат бизга жуда кўп нарсани ўргатди. Жисмонан ва маънан етуклик сари етаклади. Биздан улкан муваффақиятлар кутиб, туну кун дуода бўлган ота-онамизга қисмимиз командири номидан ташаккурнома ҳам жўнатилди. Бу эса бизнинг бир ғайратимизга ўн баравар шижоат қўшди десам, асло хато бўлмайди.

— Акангиз кўринмайди?

— У ҳозир навбатчилик қиляпти.

— Айтмоқчи, янги ўқув мавсумининг илк кунларида нималарни ўрганяпсизлар?

— Жуда кўп йўналишда машғулотлар олиб борилмоқда. Қисм командирининг шахсан ўзи ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича барча аскар ва шартнома бўйича хизматчилар ҳамда офицерларга сабоқ берди. Спорт машғулотлари, техника хавфсизлиги, мустақил тайёргарлик ва бошқалар бўйича.

Ҳарбий қисмни тарк этарканмиз, назорат-ўтиш жойида Ҳусанбойга жуда ҳам ўхшаб кетадиган бир аскар йигитнинг соқчилик қилаётганига кўзимиз тушди. Билишимча, у Ҳусанбойнинг акаси Ҳасанбой эди.

— Ҳасанбой, ҳорманг энди, хизматлар билан, — дея суҳбатга тортдим уни.

— Раҳмат, бор бўлинг ўртоқ лейтенант, — жавоб берди йигит сиполик билан.

— Укангиз Ҳусанбой билан суҳбатлашдик. Балки сиз ҳам хизматларингиз хусусида бирор нарса дерсиз?

— Нима ҳам дердим? Хизматни биргаликда давом эттириш иккаламизга ҳам маъқул келди. Қолаверса, ота-онамизга ҳам. Бизни шу даражага етказган ота-онамизга ҳамда командирларимизга ташаккур билдириб қоламиз. Уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Айни пайтда шартнома асосида хизматни давом эттираётган ака-ука оддий аскар Маҳмудовлар сержантликка, яъни сержантлар тайёрлаш мактабида ўқишга тайёргарлик кўришмоқда. Ўйлаймизки, армиянинг суянчи ва таянчи, офицерларнинг биринчи ёрдамчилари бўлишдек шарафли ва масъулиятли мақомга эришишга улар ҳар томонлама муносиб ва тақдир, Қолаверса, келажакда аъло хизматлари билан бундан-да юксакроқ натижаларни қўлга киритишади. Зеро, ҳарбий хизматчилардан талаб этиладиган ҳам жисмонан, ҳам маънан етуклик, интеллектуал баркамоллик фазилатлари Ҳасанбой ва Ҳусанбойларда, уларнинг сафдош ўртоқларида тўла мужассам. Булар замонавий ва профессионал армияни **бунёд этишда албатта, хизмат кўрсатишади.**

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Абдуваҳоб АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Иброҳимнинг изидан

ИИВ Қоровул қўшинлари сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган шундай инсонлар борки, улар ўз касбларининг ҳақиқий фидойилари саналадилар.

Ана шундай инсонлардан бири полковник Владимир Бударников командирлик қилаётган ҳарбий қисмнинг шартнома бўйича хизмат катта сержанти Иброҳим Рўзиевдир.

Иброҳим Шайхали қўрғонида кўпчиликка таниш ва ҳурмат-эътиборли оилада ўсиб улғайди. У болалигидан техникага қизиқди. Шу қизиқиш сабаб машина бошқаришни тенгдошларидан анча аввал ўрганди. Оилада тўнғич фарзанд бўлган Иброҳим ўрта мактабни битиргач, ишлаб, ота-онасига кўмаклашишни лозим топди. Шу мақсадда Қарши шаҳридаги 4-автокорхонага таъмирловчи бўлиб ишга кирди.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтган Иброҳим орадан бирмунча муддат ўтиб, яна ҳарбий ҳаётни, аниқроғи, шартнома асосида хизматни бошлади. Ўз ишини пухта билган йигит тез орада кўпчиликнинг назарига тушди. Техникаларнинг доимо шай ҳолатда туриши унинг фидойиларча хизмати туфайлидир. Берилган топшириқларни сидқидилдан, ўз вақтида бажарганлиги боис Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ва ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан бир неча бор рағбатлантирилди.

Бекаму кўст хизмат, ўзига яраша обрў-иззати укаларининг ҳам, унинг изидан ҳарбийликни танлашига сабаб бўлди. Бугун ҳарбий жамоада шартнома бўйича хизмат сержанти Муҳаммади Рўзиевнинг ҳам ўз ўрни бор. Қоровул бошлиги лавозимида хизмат қилаётган сержант Зафар Рўзиев сафдошларига намунадир. Гуруҳ командири сержант Одил Рўзиев ҳам фидойиликда акаларидан қолишмайди.

Армиямиз мустаҳкамлиги ана шундай фидойи ўғлонларнинг хизматларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Сержант Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.

ОСМОН ҲАҚИДА ЎҚИШНИ ИСТАЙМАН

Ҳар гал хизмат сафарлари билан посбонлар орасида бўлганимизда, уларнинг «Ватанпарвар» ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, таклифларини сўраймиз. Бу бир томондан газетанинг қанчалик даражада ўқишлилигини аниқлашга ёрдам берса, иккинчи томондан ҳарбийларимизнинг дунёқарашлари, фикрлаш тарзлари ҳамда қизиқишлари ҳақида маълумот беради. Қисқа савол-жавоблардан маълум бўлдики, кўпчилик ҳарбийлар газета саҳифаларида ўзларининг соҳалари, мутахассисликлари ҳақида кўпроқ мақолалар берилишини истайдилар. Ёритилаётган турли-туман мавзуларнинг ўз ўқувчилари борлиги ва ҳар ким ўзига керакли мавзуни топа олиши айнан шу савол-жавоблардан аён бўлди. Қуйида биз Қуролли Кучларимизда турли вазифаларда фаолият кўрсатаётган ҳарбийларимизнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Аъло баҳолар билан ўқишни битириб, эндигина хизматни бошлаган ёш офицерларимиз ҳам ўқиш ва ишнинг бир-биридан кескин фарқини дастлабки кунлардаёқ англаб етадилар, — дейди биз билан суҳбатда тарбиячи офицер капитан Расулжон Маҳмудов. — Бирданига тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш қийин. Тарбия ишида сусткашлик, иккиланиш қўпол хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Ёш офицерлар иш бошлаган дастлабки кезларида қийналадилар. Ана шундай паллада уларга энг яқин кўмакчи «Ватанпарвар» бўла олади. Ана шуни ҳисобга олиб, бошловчи тарбиячи офицерларимизга йўриқнома бўла оладиган мақолалар бериб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бундан ташқари, ёш офицерларни газетага кўпроқ жалб қилиб, бу соҳада эришган муваффақиятлари ва тажрибаларини «Ватанпарвар» саҳифалари орқали кўпчилик билан ўртоқлашишлари йўлга қўйилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Катта лейтенант Ғолиб Турсунов Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида катта муҳандис бўлиб хизмат қилади. Унинг илк жавоблариданоқ «Ватанпарвар»нинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқиб, кузатиб бориши аён бўлди:

— Биз ҳарбий жамоамиз билан биргаликда подполковник Маҳмуд Қўрғонбековнинг мутахассис нуқтаи назаридан ёритилган мақолаларини қизиқиб ўқиймиз. Ушбу мақолалардан бизнинг соҳамизда қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Кейинги пайтларда мутахассис-муаллифнинг мақолалари негадир кўринмай қолди. Биз тажрибали офицернинг янада сермазмун мақолаларини кутиб қоламиз.

— Таъминот хизматининг ҳам ўзига яраша мураккабликлари бор, — дейди фронт орти бўйича командир ўринбосари майор Маъруф Маллаев. — Мумкин қадар ишимизда камчиликларнинг бўлмаслигига ҳаракат қиламиз. Севимли «Ватанпарвар» саҳифаларида чет эл армиялари таъминот хизмати билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни ҳам ўқишни истар эдик. Армиялар мавжуд экан, уларнинг бир-бирлари билан қизиқишлари ҳам табиий, деб ўйлайман.

— Мен жанговар техникалар ҳақида ўқишни ёқтираман, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Мелибоев. — Шунингдек, газета саҳифаларида матонатли ҳарбийларимиз, уларнинг маиший турмуши, оилалари ҳақида холисона ёритилган мақолаларни ҳам қизиқиш билан ўқийман.

Ҳарбийларимизнинг маиший турмушида ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Ҳарбийларимиз оилалари билан истиқомат қиладиган ётоқхоналарнинг баъзи бирларида шароитлар тўла талабга жавоб бермайди. Кўпчилик аёлларимиз бу ҳақда газета саҳифаларида аниқ бажарилган ва режаланган ишлар ҳақида мутасаддиларнинг ўзларидан эшитишни хоҳлайдилар. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун кимнидир вазифасидан четлатиш, қаттиқ ҳайфсанлар бериш ечим бўла олмайди, албатта. Оиласига яратилган шароитдан кўнгли тўқ ҳарбийнинг хизмати ҳам шунга яраша аъло бўлади.

— Газетада ҳажвий асарлар ҳам бериб борилса, — дейди оддий аскар Баҳодир Қувватов. — Ундан кейин ҳарбийлар ҳаёти билан боғлиқ ҳикоялар ҳам бўлса, қизиқиш билан ўқирдик.

— Ўғлим ҳарбий хизматга боргунига қадар шундай газета борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман, — дейди аскар онаси Мамлакат Жонисбекова. — Газетани ҳар гал қўлимга олганимда худди ўғлимдан бир хабар боргдек ҳаяжон босади. Аскар ўғлим туфайли «Ватанпарвар» оиламизнинг қадрдонига айланди. Ҳарбий либосдаги йигитларни кўрсам, яқин кишиларимни кўргандек қувонаман. Худо хоҳласа, кичик ўғлим ҳам армия хизматига тайёрланмоқда. Болаларимни, нафақат болаларим, балки барча аскарларни оналари бағрига соғ-омон, юзлари ёруғ бўлиб қайтишларини тилайман. Газета ходимларининг ҳам ишларида муваффақиятлар ёр бўлсин.

— Биз ҳаётимизни «осмон» билан, яъни авиация билан боғлаганмиз. — дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг курсанти Арсен Аракелян. — Шу сабабли газета саҳифаларида осмон, яъни авиация, у билан ҳаётини боғлаган Ўзбекистоннинг асл ўғлонлари ҳақида кўпроқ мақолалар ўқишни истаймиз.

Таклифлар, фикр-мулоҳазалар кўп. Уларни ўрганиш мобайнида нималарни камроқ ёритдик, нималарга эътиборимиз камлиги, яна қайси мавзуга эътиборимизни кўпроқ қаратишимиз зарурлиги аён бўлади. Газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазаси биз учун муҳимдир. «Ватанпарвар» — ҳарбийларимизнинг ягона нашри. Унинг янада қизиқарли ва ўқишли чиқиши сизларнинг мазмунли мулоҳазаларингизга ҳам кўп томонлама боғлиқдир. Шундай экан, фикр-мулоҳазаларингизни, таклифларингизни кутамиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

НУРАФШОН ЙЎЛЛАР

Инсон умри! Уни кўп нарсага қиёслаш мумкин. Гўё ўзани йўқ тинимсиз оқаётган дарё.

Ёки улкан маёқ. Зулмат қўйнини ёритиб, қалбларга зиё улашувчи ҳаётбахш маёқ...

Шундайин ўхшатишларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин бу асосийси эмас. Асосийси умринг давомида ватанинг ва халқинг учун қандай эзгу ишларни амалга ошира олдинг. Гап мана шунда!

Инсон энг аввало ўз ҳаёт йўлини тўғри танлаши ва шу йўлда дадил қадам ташлашга эришиши лозим. Ҳаётнинг хос темир қонунлари борки уларни енга олиш учун катта ирода соҳиби бўлиш талаб этилади...

Ҳаёт ҳақидаги боболар ўгити ва отаси Азимжон аканинг босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўли ярим асрлик ҳаёт остонасида турган адлия полковниги Баҳриддин ака Наимов учун катта ибрат мактаби бўлди, десак адашмаймиз.

Негаки, жуда оғир дамларда Нурота халқи ва чекка қишлоқлардаги аҳоли учун ўз тиббий билими ва меҳнатини аямаган Азимжон ака тиниб-тинчимас, ҳар қандай машаққатни енга оладиган мард инсон сифатида ном қозонган эдилар. Халқ руҳиятини кўтариш ва истеъдодларни бир ерга жамлаш мақсадида Нуротадаги «Чўли Ироқ» ансамблининг ташкил этилишида ҳам жонбозлик кўрсатган эдилар...

Ғайратли, мард инсоннинг фарзанди бўлгани учун ҳам Баҳриддин ака ҳамиша ҳаётда доим ғолиб бўлишга, тўсиқлар қаршисида бош эгмай яшашга интилди.

Ўрта мактабни «олтин» медал билан, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. У тенгдошлари орасида ҳамиша биринчи бўлишга ҳаракат қилди.

Ўқишни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйганида ҳам унга олган билимлари-ю, отасининг панд-насиҳатлари йўлдош бўлди. Ҳар бир ишга адолат билан ёндашиш ва ҳаётда ҳамиша ҳалол курашчи бўлишга интилганлиги боис у ҳуқуқшунослик соҳасини танлади. У дастлаб Адлия вазирлигида маслаҳатчи, катта маслаҳатчи лавозимларида ишлади. 1980 йили Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди судьяси, 1984 йилга келиб эса суд раиси бўлди. Баҳриддин ака жуда ҳам оғир-босиқ, вазмин инсон. Ҳеч бир масалани пала-партиш ва шошқалоқлик билан ҳал этмайди. Оддий бир муаммони ҳам етти ўлчаб бир кесади. Шунинг учун бўлса керак, унинг чиқарган бирор бир ҳукми ёки ажрими юқори суд томонидан бекор қилинмаган.

Ўз соҳасининг билимдони ва фидойиси сифатида ном қозонган Баҳриддин ака 1986 йили Олий судга судья этиб сайланди.

Баҳриддин ака ишлашдан ва ўқиб-ўрганишдан чарчамайдиган инсон. У киши Жиноят, Жиноят процессуал, фуқаролик, Фуқаролик процессуал, жиноят-ижроия кодексларининг ва жуда кўп қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда бевосита иштирок этган.

Мустақил Ватанимизда ҳарбий судларни ташкил этишда Баҳриддин Наимовнинг хизматлари катта. 1993 йили у Олий суд ҳарбий ҳайъатининг раиси, лавозими бўйича Олий суд раиси ўринбосари этиб сайланди. Суд ҳужжатларини ўзбек ва рус тилларида юксак савияда ёза олиш қобилияти Баҳриддин аканинг ҳарбий судлар фаолиятини такомиллаштиришда ва кадрлар танлашида қўл келди.

1995 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат ва Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Баҳриддин ака одамлар дардини эшита оладиган ва ўринли маслаҳати ва ёрдамини аямайдиган инсонлардан. У кишининг ғайрат-шижоати ва ҳаққўйилиги, меҳнатсеварлигию шогирдларига ва фарзандларига меҳрибонлиги отамерос фазилатлар сирасига киради. 2000 йилдан бери яна Олий суд судьяси сифатида ўз халқи ва юрт манфаатлари учун хизмат қилаётган Баҳриддин ака Наимов ана шу фазилатлари туфайли катта обрў-эътиборга сазовор бўлиб келаётган бўлса ажаб эмас.

Айни кунлар эллик баҳорни қаршилаган адлия полковниги Баҳриддин ака Наимовга умр йўллари давом этишини ва бу йўллари ҳамиша порлоқ ва нурафшон бўлишини тилаб қоламиз.

Адиба ҲАМРО қизи,
журналист.
Абдувоси ҲАЙДАРОВ
суратга олган.

ТИББИЁТЧИ ТАЛАБАЛАР ЮТУҒИ

Яқинда Воронеж шаҳрида бўлиб ўтган «Болалар хирургияси, анестезиология ва реаниматологияси долзарб муаммолари» мавзуидаги ўн биринчи талабалар илмий конференциясида самарқандлик тиббиётчи ёшлар ҳам муваффақиятли қатнашди.

— Анжуманда Россия, Беларусь, Қозоғистон, Украина вакиллари қатори, ҳамюртларимиз ҳам ўз илмий тадқиқотлари, маърузалари билан иштирок этди, — дейди Самарқанд болалар жарроҳлиги илмий маркази директори, профессор А. Шамсиев. — Беш нафар талабамизнинг эхинококк касаллигини даволаш, бронхоэктатик хасталикларининг олдини олиш каби мавзулардаги маърузалари анжуман томонидан юқори баҳоланди.

Конференция натижаларига кўра, Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг 4-курс толиби Н. Давидян биринчи, Ф. Абдуллаев ва Т. Қобилов иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Умумий ҳисобда СамТИ болалар жарроҳлиги кафедраси конференциянинг олтин нишонига лойиқ топилди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

Қўшалоқ байрам

Подполковник Бахтиёр Бекмирзаев командирлик вазифасини бажараётган десантчилар қисмида 1 июнь қўшалоқ байрам сифатида нишонланди. Яъни ушбу кунда янги ўқув мавсумининг дастлабки машғулотлари бошланган бўлса, шу куни қисм ташкил топганлигига олти йил тўлди. Миллий армиямизни қудратли кучга айлантириш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида қайта оёққа турган бу жамоада бугунга келиб жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилган. Бу борада ҳаракатчан, тиниб-тинчимас жамоа раҳбарининг, ўз касбининг фидойилари бўлган ҳарбий қисм устоз-офицерларининг саъй-ҳаракатларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу кун тадбирлари тантанали митинг билан бошланди. Дастлаб сўз олган подполковник Бекмирзаев ҳарбий жамоа посбонларини байрамона кун билан қутлаган ҳолда, уларнинг жанговар хизматларига катта баҳо бериб ўтди. Уларнинг ўз касбига содиқлиги, ўз вазифаларини пухта эгаллаганликлари сабаб, ўтган ўқув мавсуми муваффақиятли якунлаганлигини эътироф этди. Илғор батальон етакчиси капитан Ҳусан Аҳмадалиев, катта лейтенантлар — Шуҳрат Мамамуродов, Обиджон Холиёров, Оловиддин Сирожиддинов, шартнома бўйича хизмат сержантлари — Жаҳонгир Номозов, Холиёр Хакимовларнинг номлари алоҳида тилга олинди.

Митингда Тошкент ҳарбий округи қўмондони ўринбосари полковник Шокир Жўраев ва жамоат ташкилотларидан вакиллар қатнашди. Сўзга чиққанларнинг барчаси ҳарбий жамоа хизматчиларини ёзги ўқув мавсумининг бошланганлиги ва қисм ташкил топган кун билан қутлаган ҳолда жанговар кайфиятларига кўтаринкилик, хизматларига омад тилашди.

Жамоанинг ютуқлари тўғрисида алоҳида сўз юритадиган бўлсак, ҳарбий қисм посбонлари ўтган ўқув мавсуми синов машғулотларида Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмалари бўйича энг яхши кўрсаткичлардан бирини қўлга киритишди. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало десантчи посбонлар сафига танлов комиссиясининг профессионал ва психологик танлов кўрсаткичларидан юқори балга эга бўлган чақирилувчилари қабул қилинади. Бу дегани десантчи посбонлар сараланган, баҳодир йигитлар.

— Жамоамизга янги қўшилган ёш аскарларга яхши баҳо берсак арзийди, — дейди тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари вазифасини бажарувчи капитан Дониёр Ваҳобов. — Улар ҳар томонлама етукликка интилаётган ҳаракатчан ва шижоатли йигитлар. Посбонларимиз бугундан янги ўқув мавсумининг дастлабки машғулотларини бошлашди. Уларни моҳир десантчилар қилиб тарбиялаш учун назарий ва амалий машғулотларни уйғунликда олиб бориш учун ҳарбий қисмимизда барча шарт-шароитлар етарли.

Ҳа, жамоа эришган ютуқлар самарасига асосий сабаб, ҳарбий қисмдаги посбонларга яратилган шароит. Қисмдаги ҳаво-десант шаҳарчаси амалий машғулотлар ўтиш учун етарли даражада жиҳозланган. Бу ерда чиниққан посбон ҳар қандай синов машғулотларини самарали уддалай олади.

Бундан ташқари ёзги машғулот синфхоналари, спорт шаҳарчаси, жанговар техникалар паркига катта эътибор қаратилган. Жамоа ҳудудининг кўкаламзор, озода ва батартиблиги эса ҳарбий хизматчиларга руҳий тетиклик бағишлаб туриши, шубҳасиз. Қисм командири ва офицерларининг келажак режалари янада юксак. Биз ҳам уларнинг эзгу ниятларига қўшилган ҳолда десантчилар жамоасини қисм ташкил топган кун билан қутлаб қоламиз.

З. НОСИРОВА.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

Мусобақа — жанговар шайликни оширишнинг муҳим воситаси

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 9—10 июнь кунлари Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида «Энг илғор қўшилма, қисм, бўлинма номини олиш учун мусобақа, энг яхши мутахассис танлови — жанговар шайликни, ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасини оширишнинг энг муҳим воситаси» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳарбий хизматчиларга Мудофаа вазирининг қисм ва бўлинмаларда мусобақани ташкил этиш борасидаги талабларини ва мусобақанинг жанговар ўқув сифатини, жанговар шайликни ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича ташкилий ва тарбиявий ролидан янада фаол фойдаланишни чуқур англаб олишларида ёрдам беради.

Мазкур мавзу бўйича машғулотлар ўтказишга қисм ва бўлинмалар раҳбарлар таркибини, штаблар офицерларини, мусобақани ташкил этиш бўйича энг тажрибали офицерларни, шунингдек, энг яхши ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Қуролли Кучлардаги мусобақанинг аҳамияти ва вазифалари. Энг илғор қўшилма, қисм, бўлинма номи учун мусобақа.

2. Энг яхши мутахассис танлови — мусобақанинг таркибий қисми, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, касбий маҳорати даражасини оширишнинг энг муҳим воситаси.

Қисқача кириш сўзида мусобақа ижтимоий воқелик сифатида инсониятга доимо хос бўлганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. У ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияда, фақат ўз мазмун-моҳиятини ўзгартирган ҳолда, доимо инсонлар фаолиятига ҳамроҳ бўлиб келган. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Шуни таъкидлаш зарурки, инсонларнинг биргаликдаги ҳар қандай фаолиятлари, шу жумладан ҳарбий фаолиятлари ҳам, инсонда алоҳида бир руҳий ҳолат келтириб чиқаради ва у юқори фаолликда, энг яхши натижаларга эришишда ифодаланади. Бунинг сабаби инсоннинг ижтимоий табиатида, унинг ўз фаолиятида ўзини яққол кўрсатишга интилишида яширинган.

Мустақил Ватанимизда, шу жумладан Қуролли Кучларимизда ҳам, инсоннинг ўз жисмоний, маънавий ва ақлий (интеллектуал) имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, мусобақа — бу инсонлар фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, унда унинг иштирокчилари натижаларда, маҳорат ва касбий санъатда бир-бирларидан ўзиб кетишга ҳаракат қиладилар. Мусобақа тарбиялашнинг, инсоннинг ижодий фаоллиги ва мустақиллигини, унинг куч ва имкониятларини олдинга қўйилган вазифаларни яхши бажариш учун сафарбар қилишнинг муҳим воситасидир.

Қуролли Кучларда мусобақа — бу Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим омилидир. У ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигини ошириш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режа ва дастурларини, ўқув-жанговар вазифаларни юқори сифатда бажариш, ҳарбий хизмат нормативларини ошириб адо этиш, жанговар маҳоратни такомиллаштириш, бўлинмаларни жанговар шай ҳолатга келтириш муддатларини қисқартириш, шунингдек, жанговар навбатчиликни, қоровуллик ва ички хизматни намунали ўташ, қурол ҳамда жанговар техника сирларини моҳирона эгаллашга йўналтирилган.

Мусобақанинг бош мақсади, унинг негизини Мудофаа вазирлигидаги энг илғор қўшилма, алоҳида қисм, ҳарбий ўқув юрти номини олиш учун мусобақалашув ташкил этади. Ундан қисм ва бўлинмалар жанговар шайлигини ошириш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режаларини тўлиқ ва сифатли бажариш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик ва юқори маънавий-жанговар сифатларни шакллантириш, жанговар маҳоратни такомиллаштириш, қоровуллик ва ички хизматни, жанговар навбатчиликни намунали олиб бориш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий жамоаларни жипслаштиришнинг энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади.

Қуролли Кучларда мусобақа ҳарбий хизматчилар, бўлинмалар, расчётлар, экипажлар, гуруҳлар, взводлар, батальонлар, қисмлар ўртасида ташкил этилади. Якка тартибдаги мажбуриятлар асосида ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишларида бўлинмалар, қисмлар, муассасалар томонидан мажбуриятлар қабул қилинади. Мажбуриятлар ўқув даври учун, шунингдек, жанговар навбатчилик, қоровуллик хизматининг муайян вазифаларини бажаришда, дала ўқув машғулотлари ва машқларда қабул қилинади.

Мусобақанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— ўқув-жанговар вазифаларни юқори сифатда ишлаб чиқиш ва нормативларни бажариш, бўлинмалар, қисмларни жанговар шайликка келтириш муддатларини қисқартириш, жанговар ўқув аълочилари ва энг яхши қисм ҳамда бўлинмаларни тайёрлаш;

— қурол-яроғ ва жанговар техникани аъло даражада ўзлаштириш ва моҳирона қўллай билиш, улардан тўғри фойдаланиш ва намунали ҳолатда сақлаш, маҳорат тоифасини олиш ва уни ошириб бориш, энг яхши мутахассис, бўлим, расчёт, экипаж номи учун курашиш, бир-бирига яқин мутахассисликларни эгаллаш, рационализаторлик ишларини авж олдириш, ўқув-моддий базани такомиллаштириш;

— ҳарбий хизматчиларнинг намунали ташқи кўриниши, бенуқсон хулқи, саф батартиблиги учун кураш, ахлоқ-одобнинг низомий ва этик нормаларига риоя қилиш, жанговар ўқув ва хизматда дўстона ёрдам кўрсатиш;

— шахсий таркибнинг моддий-маиший таъминотини яхшилаш, ҳарбий мулкка эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, моддий воситалардан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаш, ҳарбий шаҳарчалар ва бошқа объектларни намунали тарзда тутиш;

— шахсий таркибнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш, маданий дам олиш ишларида, оммавий-спорт тадбирларида фаол иштирок этиш, разрядли спортчилар, спорт усталарини тайёрлаш.

Офицерлар, бўлинмаларнинг шартнома бўйича хизматчилари мусобақада ўз қўл остидагилар билан биргаликда иштирок этадилар ҳамда бутун шахсий таркиб томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига қатъият билан эришадилар.

Штаблар ва бошқармаларнинг офицерлари ҳамда шартнома бўйича ҳарбий хизматчилари ижтимоий-сиёсий билимларни ошириш, тактик ва махсус тайёргарлик, бўлинмалардаги иш усулларини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, услубий, ҳарбий-илмий, ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари масалалари бўйича мажбуриятлар оладилар.

Ҳарбий ўқув юртлари тингловчилари ва курсантлари ўқув сифатини ошириш, услубий маҳоратни такомиллаштириш, қўшин стажировкаси топшириқларини бажариш ва ҳарбий-илмий ҳамда тадқиқот ишларида амалий иштирок этиш масалалари бўйича мажбуриятлар оладилар. Ўқитувчилар, цикллар ва кафедралар ўртасида, шунингдек, тингловчи ва курсантларнинг ўзлаштириши масалалари бўйича мусобақа ўтказилмайди.

Барча ушбу вазифалар комплекси мусобақага ҳар бир ҳарбий хизматчини, у қайси қўшин турида хизмат қилиши ва қандай мутахассисликка эга бўлишидан қатъи назар, жалб этиш имконини яратади. Бу вазифалар мусобақани моҳирона ва мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил қилиш ва энг муҳими — жанговар шайликни оширишда юқори натижаларга эришиш имкониятини беради.

Командир — бевосита мусобақа ташкилотчиси. Янада кенгроқ маънода айтадиган бўлсак, мусобақа ташкилотчилари сифатида улар мусобақага раҳбарлик қилиш усулларини аниқлаб олишлари, ўқув даври учун жанговар навбатчилик, ҳарбий машқлар, учишлар, отиш машқлари ва бошқа ўқув-жанговар тадбирлар даври учун унинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари, мусобақа шахсий таркиб жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги жараёнининг таркибий, ажралмас қисми бўлишига эришишлари лозим.

Экипаж, расчёт, бўлим, гуруҳларда топшириқ ва нормативлар бўйича якка тартибдаги мажбуриятлар бажарилиши ҳар куни машғулотлар ва ишлар якунлангандан сўнг баҳоланади. **Взводда мусобақа якунлари ҳар ҳафтада** шахсий таркиб билан кўриб чиқилади, шунингдек, командирлар ва уларнинг ўринбосарлари билан таҳлил қилинади. **Батальонда — ҳар ойда, қўшилма, қисмда — ўқув даври учун** кўриб чиқилади.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун қуйидагилар белгиланади:

— мотоўқчи, танк ва махсус қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг энг илғор қўшилма, қисм, ҳарбий ўқув юртларини тақдирлаш учун **Мудофаа вазирлиги Ҳарбий коллегиясининг кўчма мукофотлари ва ёрлиқлари.** Шунингдек, мусобақа илғорларини рағбатлантиришнинг бошқа — моддий ва маънавий шакллари ҳам белгиланган.

Иккинчи саволни кўриб чиқишда шуни таъкидлаш зарурки, мусобақанинг сифати ва таъсирчанлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири — бу қисм ва бўлинмаларда **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида касби бўйича энг яхши мутахассис танловининг ўтказилишидир.**

Ушбу танловдан кўзланган мақсад — ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, қўшинларда Ватанга, танланган касбга муҳаббат, ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом ўзаро муносабатларга асосланган замонавий жанговар анъаналарни шакллантириш ва мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида касби бўйича энг илғор номи учун танлов 2004 йилдан бошлаб **ҳар йили, йил мобайнида уч босқичда ўтказилади.**

Биринчи босқич — қўшилма ва қисмларда, олий ҳарбий таълим муассасаларида. Бу — саралаш босқичи. **Иккинчи босқич** — ҳарбий округ ва уларга тенглаштирилган бирлашмаларда. Бу — округ босқичи. **Ва учинчи босқич** — республика миқёсида. Бу — республика босқичи. Танлов мобайнида **«Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор батальон командири» (Энг илғор чегара базаси бошлиғи)** ва уларга тенглаштирилганлар номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади.

Машғулот раҳбари тингловчиларни танлов ўтказиш тартиби билан таништириб, унинг ҳар бир босқичи мазмунини **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида касби бўйича энг илғор номи учун танлов ўтказиш бўйича Қўлланма (инструкция) асосида** тушунтириб беради. Шунингдек, танлов ғолибларини тақдирлаш тартиби ва уларга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар ҳақида тушунча беради.

Жумладан, республика босқичи ғолибларига: **«Энг илғор сержант»** номинацияси бўйича олий ҳарбий таълим маскани ва сержантлар тайёрлаш мактабларига (СТМ) конкурссиз кириш. СТМ битирувчиларига эса сержантлар тайёрлаш мактабларининг навбатдаги уч ойлик курсига конкурссиз кириш имтиёзи берилади.

«Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири» — юқори лавозимларга тавсия этилувчилар рўйхатига киритиладилар.

«Энг яхши батальон командири» ва уларга тенглаштирилганларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқи берилади.

Қуролли Кучлардаги мусобақа ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш, жанговар шайликни ошириш, ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва низомий тартибни мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситасидир. У тўла маънода ўзининг юксак бурчи ва мақсадига мувофиқ бўлиши учун қатъий ва мақсадга йўналтирилган жанговар ўқув, ўқув-жанговар вазифалар ва олинган мажбуриятларнинг аниқ ҳамда сифатли бажарилиши, жанговар шайликни ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга доимо интилиш ҳар бир ҳарбий хизматчи учун ҳаёт қонунига айланиши лозим.

Мусобақа иштирокчиларига қўйиладиган яна бир муҳим талаб. **Командирлар, тарбиявий ишлар бўйича уларнинг ўринбосарлари, барча офицерлар, сержантлар ҳамда аскарлар мусобақанинг ташкилотчилари ва қатнашчилари сифатида ҳарбий хизматчилар, бўлинмалар ва қисмларнинг мусобақа якунлари бўйича баҳоланиши мезонларини қатъий билишлари лозим.**

Буларнинг барчаси биргаликда мусобақани таъсирчан, самарали, тарбияловчилик аҳамиятини оширади, командир учун мустақил Ватанимиз хавфсизлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта меҳнати ишончли ҳимоя қилиш бўйича Қуролли Кучларимиз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

Наш человек в Осаке

Идея открытия почетного консульства нашей республики в Осаке сразу же была активно поддержана известными японскими политиками. Среди них — бывший премьер-министр Ёширо Мори, депутаты парламента Тошихико Никкай и Коки Чума, специальный советник кабинета министров Японии, бывший посол в Узбекистане Кёко Накаяма.

На торжествах по случаю торжественного открытия почетного консульства выступил посол Узбекистана в Японии М. Очилов, который подчеркнул, что это знаменательное событие послужит делу повышения эффективности взаимовыгодных связей наших стран в различных отраслях, укреплению дружбы между народами.

Выбор месторасположения почетного консульства в Осаке неслучаен. Город расположен в регионе с большим экономическим, инвестиционным и культурным потенциалом, и это имеет большое значение для развития взаимовыгодных контактов. Сейчас три раза в неделю самолеты Национальной авиакомпании «Узбекистон хаво йўллари» совершают полеты по маршруту Ташкент—Токио—Осака. С июля число рейсов планируется довести до четырех.

Почетным консулом Узбекистана в Японии стал советник известной японской компании «Чори Компани Лимитед» Хисао Накамура, хорошо известный в политических и деловых кругах Японии.

— Буду прилагать все усилия для развития узбекско-японских отношений, — сказал господин Накамура в интервью корреспонденту агентства «Жахон». — Я верю, что наши связи будут укрепляться, ведь японский народ искренне любит Узбекистан!

Беруний АЛИМОВ,
ИА «Жахон»,
Токио.

● У ВОИНОВ-СТРОИТЕЛЕЙ

И ВНОВЬ В ЧИСЛЕ ПЕРЕДОВЫХ

Рядовой Гайрат Вахидов служит в военном инженерно-строительном подразделении и является командиром секции — бригадиром. В настоящее время возглавляет бригаду отделочников, в которую входят штукатуры и маляры.

— Неоценима роль бригадира на военной стройке, — говорит командир группы сержант по контракту А. Юсупов.—У нас немало солдат успешно справляются с обязанностями младших руководителей производства. Одним из лучших является рядовой Г. Вахидов. От его профессионального мастерства, распорядительности, умения и инициативы во многом зависят организация труда, своевременное выполнение коллективом принятых обязательств, качество работы, соблюдение правил техники безопасности.

Да, командирами секций — бригадирами, как правило, назначаются лучшие из лучших. Таким и является Гайрат Вахидов. Призывался он в армию с хорошим багажом знаний, имея за плечами опыт работы по ряду строительных специальностей. Прибыв в подразделение изъявил желание работать плотником.

С первых дней службы Гайрат показал высокое профессиональное мастерство и проявил незаурядные организаторские способности. Вскоре его назначили бригадиром плотников.

Как настоящий знаток строительного производства, он оперативно решал вопросы, связанные с деятельностью бригады. Заблаговременно получал наряды-задания, правильно расставлял воинов на рабочих местах. Строго контролировал качество работы. Помогал подчиненным в освоении профессии, учил их передовым методам труда.

И о бригаде плотников заговорили. Ее ставили в пример. На нее держали равнение остальные коллективы.

Сам же бригадир в свободное от службы время продолжал самостоятельно приобретать практические навыки ведения отделочных работ и добился в этом деле неплохих результатов. Когда пришла пора плотникам увольняться в запас, командир назначил Г. Вахидова бригадиром штукатуров. В коллективе оказались воины одного призыва, и для них он стал наставником. Всех научил тому, что знал и умел сам. И вновь вывел бригаду в число передовых.

Рядовой Г. Вахидов зарекомендовал себя не только умелым руководителем, но и хорошим воспитателем подчиненных. Он своевременно поощряет лучших производственников и взыскивает с нарушителей. Проявляя требовательность к воинам, сочетает ее с заботой о них. Бригадир старается понять каждого, раскрыть причины его поведения, вовремя подсказать, посоветовать, удержать от дурного поступка.

Благодаря такому отношению к делу, в бригаде нет нарушений воинской дисциплины. Все живут одной дружной армейской семьей, совместными усилиями выполняя поставленные задачи. И как награда за труд он неоднократно поощрялся командованием.

Большое внимание бригадир уделяет организации соревнования, повседневной борьбе за повышение эффективности производства и улучшение качества работ. С этой целью на общих собраниях систематически рассматриваются наболевшие вопросы. Практикуется регулярный анализ сделанного за смену, неделю, месяц, в ходе которого отмечается, кто идет впереди, и что мешает работать лучше.

— В ходе организованного у нас соревнования, — говорит Г. Вахидов, — нам удалось добиться, что все члены бригады освоили смежную специальность маляра. Благодаря этому, обеспечена надежная взаимозаменяемость при выполнении отделочных работ, практически ликвидированы внутрисменные простои.

Отделочники ежедневно показывают пример добросовестного отношения к делу, бережно относятся к материальным ресурсам, инструментам и технике. А впереди продолжительное время идут рядовые Ш. Расулов, Д. Ахмеджанов, Х. Аманбаев и другие, которые за высокопроизводительный труд, крепкую воинскую дисциплину не раз поощрялись командиром.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Байрамолди кўпчилик аёллар, қизлар гўзаллик салонига шошилади. Мен ҳам шанба куни талабалар шаҳарчасидаги гўзаллик салонига ошиқдим. У ердан чиққач, автобус бекатига ўтдим. Бир оздан сўнг қарсиллаган товуш эшитилди. Товуш келган томонга ўгирилдим. Ёши йигирмалардаги бир йигит айланиб учиб келиб, кўчанинг бу юзига тушди. Югуриб у томонга бордим. Аммо унга бир-икки қадам қолганда, беҳол бўлиб, юролмай қолдим. Бекатда турган йигитлар ҳам етиб келишди.

— Илтимос, пальтосини юзидан олинглар, ўлиб қолмасин!

Кимдир шундай қилди. Уни кўрдиму ғалати бўлиб кетдим. Таниш чеҳра. Доим мен билан салом-алик қиладиган йигит. Аммо шу тобда унинг исми ёдимга келмасди. Йиғлаб юбордим. Йигитларга ялина бошладим.

— Жон укалар, кўйлаги тугмасини ечинглар, юрагини массаж қилинглар. У тирик, фақат ҳушини йўқотган.

— Ие, ўлиб қолганга ўхшайди, — деди йигитлардан бири. Қолганлари эса унга бир қараб, уни уриб кетган машина томонга кетишди.

— Ахир у бечора ҳам сизларга ўхшаган талаба-ку. Ота-онаси умид билан жўнатгандир бу ёққа. Илтимос, унга ёрдам беринглар. У тирик, ўлмаган, тирик! — дея ён-атрофдан нажот истадим. Ўзим эса унга яқинлашолмай йиғлардим. Хайрият, бир йигит унинг кўйлаги тугмасини ечиб, юрагини массаж қилди. Шу пайт у кўзини бир очдию яна ҳушидан кетди.

— Айтдимку, у тирик деб! Илтимос йигитлар, «Тез ёрдам»га бир амаллаб қўнғироқ қилинглар! Кимнинг соткаси бор! Телефон қилинглар! Бировнинг боласи, ўлиб қолмасин!

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Атрофга аланглади. Аксини олиб бирорта телефон будкаси ҳам йўқ. Тезроқ ёрдам берилмаса, йигитга бирон нима бўлиши мумкин. Чунки боши ёрилган, бурнидан қон келган. Бошидаги қон тўхтамаётганди. Ҳамма жойда ҳам бефарқу лоқайд инсонлар учрайди. Аммо раҳмдил инсонлар кўплиги таскин беради. Нима қилиб бўлса ҳам ерда ётган йигитга ёрдам бериш керак. Яна талабаларга юзландим.

— Жон, укалар! Машина тўхтатинглар. Яқин орадаги шифохонага олиб бориш керак. Тезроқ бўлинглар! Ўлиб қолмасин!

Икки йигит дарҳол яшил «Тико» автомашинасини тўхтатишди. Беҳуш ётган йигитни унга ётқизиб, олиб кетишди. Шундан сўнг юрак ҳовурим бир оз босилди. Нариги томонда эса бир тўп талабалар қуршовида бояги йигитни уриб кетган «Жигули» автомашинаси, пачоқланган «Нексия» ҳамда 76-автобус турарди. У ёқдагилар тирикмикан, дея мен ҳам ўзимни талабалар орасига урдим. «Нексия» машинасидагилар тушиб кетишган. Оқ «Жигули»даги йўловчилардан олд ўриндиққа ўтирганининг боши қонаяпти, лаби йиртилган. Ҳушидан кетган. Аксига олиб, машина эшиги очилмайди. Йўловчининг оёғи қисилиб қолган. Тўртта талаба эшикни бузишга ҳаракат қиляпти. Йўловчини қутқариб қолмаса, у бечора ўлиб қолиши мумкин.

— Кимда сотка бор, кимнинг қўл телефони бор! Илтимос, 050 га — қутқарув хизматига телефон қилинглар. Улар йўловчини қутқаради, — дея атрофдан нажот истаяпман. Мендан сал нарироқда турган қирқ беш ёшлардаги киши ҳам бу аҳволни кўриб:

— Кимда телефон бор! Тезроқ 050 га қўнғироқ қилинглар. Ҳов йигитча, телефонингиз борми? 050 га қўнғироқ қилинглар, — дея болаларни шошилтирарди.

У одамнинг куюнчаклиги ҳамда милиция ходимлари етиб келганлиги учун кўнглим бир оз хотиржам бўлиб, у ерни тарк этдим. Аммо бу воқеа кўз ўнгимда муҳрланиб қолди. Эшитган бошқаю, кўрган бошқа экан. Бундан бир ҳафта олдин 72-автобуснинг ортидан қорамтир «Нексия» келиб урганди. Ҳайриятки, ҳеч кимга зарар етмади. Довдираб қолган йигит бошини ушлаб, у ёқдан бу ёққа юрар, қўл телефонидан кимларгадир қўнғироқ қиларди. Ярим соатлардан сўнг етиб келган онаси ўғлини эмас, олди пачоқланган машинани кўриб, қотиб қолди.

— Вой шўрим! Машинани расво қилибсан-ку!..

Онасининг гапларидан ҳайратландим. «Фарзандингиз жони омон қолганига шукур қилсангиз-чи», дегим келди. Аммо дилимдагини тилимга чиқаролмадим.

«Қарс икки қўлдан» дейишади. Пиёда ҳам, ҳайдовчи ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилса, ноҳуш воқеалар юзага келмайди. Гоҳида йўловчи йўлдан тезроқ ўтиб олишга шошилади. Ҳайдовчи эса кўзлаган манзилига тезроқ етишга ошиқади. Натижада автоҳалокат содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир инсон шошилмаслиги, манзилига беш дақиқа олдин етмаса, беш дақиқа кейин бориши ҳам мумкинлигини билиши керак. Шошилиб, ногирон бўлиб қолгандан кўра, кеч қолиб бўлса-да, омон-эсон уйига етиб олгани маъқул. Бу менинг шахсий фикрим. Хулоса чиқариш эса сиздан.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

● ГОД ДОБРОТЫ И МИЛОСЕРДИЯ

«НАДЕЖДА» ВСЕЛЯЕТ НАДЕЖДУ

Хор «Надежда» Мирзо-Улугбекского района столицы сравнительно молод. Он заявил о себе в 1999 году. Пять лет — срок небольшой. Хотя все его участники — люди преклонного возраста. Это — ветераны войны и труда, их возраст от 55 до 70 лет. Но эти жизнерадостные люди не обращают внимания на возраст.

Название у хора символическое. Ведь пока человек жив, жива у него и надежда на лучшее. Вот и исполнители «Надежды» собрались, как говорится, под одной крышей, чтобы быть вместе, сообща преодолевать трудности и невзгоды, чтобы дарить людям тепло своей души, которого сегодня не всегда хватает окружающим.

— Идея организовать творческий коллектив принадлежала А. Гладкову — отставному кадровому офицеру, — рассказывает одна из первых его участниц Н. Холоматина. — Вместе с друзьями, тоже офицерами в отставке, он часто выступал с репертуаром военных песен в Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан, в ЦДО, на других сценических площадках города, а также в воинских подразделениях.

Сегодня художественным руководителем «Надежды» является Н. Холоматина. Помещение для репетиций хору предоставляет Дом культуры «Феруза», а площадку для выступлений — Русский культурный центр Ташкента.

С концертмейстерами до недавнего времени хору не везло. Но вот уже продолжительное время (и все считают, что это надолго) им является Виталий Кан — одаренный баянист-профессионал. И это сотрудничество, основанное на полном уважении и взаимопонимании, положительно сказывается на исполнительском мастерстве коллектива.

Участники хора — люди разных профессий. Но сейчас их всех объединяет одно — любовь к песне. Тем более, что все они владеют хорошими вокальными данными.

В репертуаре хора — песни военных лет, а также песни в стиле ретро. Они близки по духу людям старшего поколения. Так считает музыкальный руководитель хора, дирижер-хормейстер, доцент Государственной консерватории, заслуженный деятель искусств Узбекистана Александр Скрипин. Благодаря его усилиям и стараниям хор поднялся на более высокий профессиональный уровень.

Выступления «Надежды» проходят с большим успехом. К каждому празднику — будь то весенний яркий Навруз, День Памяти и Почестей или День независимости — участники хора готовятся основательно. Их тепло принимают зрители — в Посольстве России в Узбекистане, городском Центре пожилых людей, в Обществе слепых Мирзо-Улугбекского района, на предприятиях и стройках.

Председатель Общества слепых В. Ларина постоянно приглашает хор к себе. Ей и ее подопечным этот коллектив дорог. Они всегда рады принять и послушать «Надежду», которая в свою очередь отвечает ветеранам — людям с ограниченными физическими возможностями — особой любовью, вниманием и почтением. Такие встречи стали особенно частыми в Год доброты и милосердия.

«Надежда» — желанный гость в частях Ташкентского гарнизона и особенно в Центральном военно-клиническом госпитале Министерства обороны. Веселой песней, задорной музыкой участники хора поднимают настроение нашим воинам, призывают их с честью и достоинством нести военную службу.

Хор «Надежда» с огромным желанием и оптимизмом идет к почитателям своего таланта, приносит своим пением радость людям, вселяет надежду в лучшее будущее, уверенность в завтрашнем дне. И это проявление патриотизма и духовности в Год доброты и милосердия имеет особую цену, не сравнимую ни с какими материальными благами.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвар».

Этот пестрый мир

ПЕРЕКУСИЛ НА СКОРУЮ ЛАПУ

Лабрадор по кличке Медведь так проголодался в отсутствие хозяев, что решил: а почему бы не перекусить на скорую лапу? И захотел отведать чего-нибудь горяченького. Неизвестно как, но пес умудрился включить электрическую плиту, вывалил содержимое пакета с сухим кормом прямо на конфорку и ... забыл про свою импровизированную сковородку. Корм пошипел-пошипел и загорелся. Когда хозяева вернулись домой, их взорам предстала горящая кухня. К счастью, пожар удалось быстро потушить. Четвероногий кулинар переждал происходившее в подвале.

ЧЕВАР ҚУШ

Африка тўқувчи қуши яproқларни тикиб ўзининг уясини беркитади. Нар қуш бир шохнинг учида туриб бир-бирига яқин ўсган икки ёки ундан ортиқ кенг япроқларни танлайди. Ўткир тумшуғи билан ҳар бир япроқнинг чеккасидан тешик очади. Кейин бир моҳир тикувчи каби ўзи тўплаган ўргимчак уялари ва ўсимлик толаларидан ип ўрнида фойдаланади. Толаларни тешиклардан чиқаради ва кириб-чиқишни осонлаштириш учун тугун тугиб, япроқларни бир-бирига тикиб чиқади. Япроқлар билан қопланган халтачанинг ичига эса жуфти тухум қўядиган алоҳида яширин уя тўқийди.

СПРОС УГОНЩИКОВ...

«Модели девятой, десятой и одиннадцатой серий ВАЗ пользуются огромным спросом со стороны угонщиков, особенно с целью перегона в другие регионы», — заявил на брифинге в Москве представитель оперативно-розыскной части при Управлении уголовного розыска ГУВД Москвы Иван Горбунов. По его словам, также значительной популярностью пользуются и машины марки «Ауди», в том числе А-3, А-4, А-6 и А-8.

ИНСУЛЬТ... ТИЛ УРГАТАДИ

Поркширлик инсультга чалинган 47 ёшли ўқитувчи Уэнди Хаснип тузалгач, ўз она тили—инглизчада эмас, француз тилида гапира бошлади.

— Мактабда ўқиганимда, ўқитувчиларим мени французча гаплашмасликка ундашарди, — дейди у. — Буни ўқитувчиларим, француз тилида айрим товушлар талаффузини эплай олмаслигингда, деб тушунтиришганди.

Тиббиётда бундай ҳолат «чет тили синдроми» деб юритилади. Айрим одамлар бошидан кечирган инсульт, мия чайқалиши, бош суяги жароҳатидан кейин ана шундай ҳолатга тушганлар. Мия жароҳатини олган бир неча инглизларнинг немис ва ирланд тилида гапирганлари ҳам маълум.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

● СПОРТ ●

В ОЖИДАНИИ ПРАЗДНИКА

12 июня в Португалии стартует очередной чемпионат Европы. На протяжении двадцати двух дней мы будем свидетелями упорнейшей борьбы шестнадцати лучших команд Старого Света за звание сильнейшего на континенте. Кто удостоится такой чести? Ответить утвердительно на этот вопрос вряд ли кто сегодня возьмет на себя смелость, поскольку по крайней мере десять команд способны завоевать этот почетный титул, а потому будем ждать 4 июля, когда и определится чемпион, а вместе с ним в историю европейского футбола будет вписана новая страница.

От чемпионата Европы всегда ждут многого. Болельщики надеются увидеть футбол высочайшего уровня в исполнении мастеров с мировым именем, специалисты рассчитывают, что на футбольном небосклоне вспыхнут новые звезды. И те, и другие по-своему правы, ведь в обоих случаях — это праздник, который приходит один раз в четыре года и дарит нам незабываемые минуты футбольного совершенства.

В ранге ныне действующего чемпиона в Португалии будет выступать Франция. Главный тренер этой сборной Сантини намерен повторить успех четырехлетней давности, но неудача на чемпионате мира-2002 несколько подрывает эту веру. Помимо французов в фаворитах значатся итальянцы, немцы, испанцы, англичане. Вторые роли заведомо отведены россиянам, латышам, болгарам. Но стоит ли заранее проводить такую градацию? Вспомните ЧЕ-92, когда датчане, которых мало кто брал в расчет, внезапно «выстрелили», оставив позади всех грандов. Не исключена возможность, что и на этот раз может произойти нечто подобное.

Уверен, подавляющее большинство наших болельщиков будет болеть за своего соседа — единственного представителя СНГ — сборную России. В настоящее время подопечные Георгия Ярцева уже в Португалии, где проводят полнокровные тренировки. К сожалению, эта команда накануне ответственных стартов понесла серьезные потери, в первую очередь в обороне, но хочется верить, что «фартовый» Ярцев, сумевший однажды уже сделать почти невозможное, и теперь найдет верный выход из создавшегося положения.

А тем временем до начала чемпионата остаются считанные дни, дни радостных надежд, за которыми для кого-то последует и разочарование, но без этого не бывает его величества ФУТБОЛА.



ФЕРМЕР ЛУҒАТ МУАЛЛИФИ

Шофиркон туманидаги «Тўра» фермер хўжалиги раиси Омон Тўраев ўттиз йилдан ошдики, асаларичилик билан шуғулланади. У Россиядаги Рязань асаларичилик институтини тамомлаган.

Олий маълумотли биологнинг шахсий китоб жавонида асаларичиликка оид оз эмас, кўп эмас, уч мингдан ортиқ турли адабиётлар мавжуд. Элликдан зиёд мақолалари матбуотда чоп этилган. Яқинда Омон ака «Асаларичилик атамалари» номли ўн мингта сўзни ўз ичига олган ўзбекча-русча изоҳли луғат тузди. Айни пайтда бу луғат мутахассислар муҳокамасига тақдим этилмоқда.

— Сўнгги йилларда матбуотимизда эълон қилинаётган кўплаб мақолаларда асаларичилик атамаларининг нотўғри шаклда ифодаланаётгани кишини ажаблантиради, — деди О. Тўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Айрим луғат ва китобларда ҳам кўпгина сўзлар нотўғри таржима қилинган. Шу камчиликни бартараф этиш мақсадида узоқ вақт меҳнат қилиб, мазкур луғатни яратдим. Ўйлайманки, бу луғат «Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида»ги Қонун талабларига тўла мос келиб, ҳаётда ўз ўрнини топади.

Мақсуд АКРАМОВ, «Туркистон-пресс».

БИР ОИЛА ФОЖИАСИ

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Бахшулло Ражабнинг «Тавба» асари саҳналаштирилди.

Драмада гиёҳвандликнинг мудҳиш қиёфаси ва унинг аянчли оқибатлари ўз аксини топган. Ота-она, маҳаллакўй эътиборидан четда қолган ўғил гиёҳвандликка ружу қўяди. Гиёҳванд отадан туғилган ногирон болалар, оиладаги мусибатлар туфайли ақлдан озган келин, гиёҳванд ўғилнинг онаси Фазилат опанинг фожиали ўлими, оғу сотиб, даромад кўраётган кимсаларнинг жирканч башараси томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Музейга ташриф

Куни кеча биз—бир гуруҳ талабалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейида бўлдик. Тўғрисини айтиш керак, биз музейни бу қадар бой деб ўйламаган эдик. Қуролли Кучларимиз тарихи билан боғлиқ қизиқарли кўргазмалар, темурийлар даврига оид ноёб экспонатлар биз толиби илмларда катта таассурот қолдирди. Даврлар, муҳим воқеалардан гувоҳдек тартиб берилган музей бўлимлари сизни бир зумда ўз оламига тортиб кетади.

Мудофаа вазирлиги Матбуот хизмати бошлиғи подполковник Комил Жабборов билан учрашув ҳам жуда мазмунли ўтди. У бизга матбуот хизмати фаолияти, ходимлар зиммасидаги муҳим вазифалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Матбуот хизмати бошлиғи «Ватанпарвар» газетаси хусусида ҳам алоҳида тўхталди:

— Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз ва чет элларда юз бераётган энг муҳим воқеалар, ҳарбийлар ҳамда уларнинг маиший турмуши, энг сўнгги замонавий жанговар санъат намуналари, чет мамлакатлар армиялари ҳақида қизиқарли маълумотлар газета саҳифаларида кенг ёритилади. Бундан ташқари, газетада халқ ва армия якдиллигининг ифодаси бўлган мақолалар, суҳбатлар бериб борилади, — деди у жумладан.

Мазмунли суҳбат, учрашув савол-жавоблар билан ниҳоясига етди.

Аслиддин ОБИДОВ, ЎзМУ талабаси.

ЭНИГА: 6. Таркибида қазилма балиқ қолдиқлари бўлган сланецдан ҳосил қилинадиган ёғсимон малҳам дори. 7. Билим маскани. 11. Ҳиндларнинг «Панчатантра» китоби негизида юзага келган араб ва форс тилидаги ахлоқий мазмундаги асар қаҳрамони. 12. Миллий таом. 14. Ишқор хусусиятига эга бўлган кукун модда. 16. Бирор ишни амалга ошириш учун манфаатдор томонга бериладиган маблағ. 17. Бахшилар ижросидаги қўшиқ. 18. Иш ҳайвонларига ортиб юк ташиш учун мўлжалланган чорқирра идиш. 20. Жўғрофиядан ўқув қуроли. 21. Германия давлати парламенти. 26. Покистондаги йирик шаҳар. 27. Рус масалчиси. 28. Америка ёзувчиси. 30. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи қаҳрамони. 32. Спорт тури. 33. Одим. 34. Касб-билим ўргатувчи мураббий. 36. Осиё шимолидаги дарё. 37. Бирор асарга ўхшатиб ёки жавоб тариқасида ёзилган асар.

БЎЙИГА: 1. Қадим. мозий. 2. Само. 3. Электр сиғимининг ўлчов бирлиги. 4. Миркарим Осим ёзиб қолдирган тарихий қисса. 9. Одилона, ҳолисона иш юритиш. 10. Ўзбек халқ достони. 11. Автомобиль маркаси. 13. Ҳинди-хитой ярим оролидаги давлат. 15. Кучли ёритқич. 19. Япония тарихидаги архипелаг. 20. Инглиз фантаст адиби. 22. Қора, Азов ва Каспий денгизлари оралигидаги ҳудуд. 23. Ваза ўлчови бирлиги. 24. Ўзбек халқ куйи. 25. Франция футбол командаси. 28. Узоқ масофаларга югурувчи ва сузувчи спортчи. 29. Бир соннинг иккинчи сонга бўлинмаси. 31. Қуруқ мева. 32. Ўрта аср математик олими, ҳисоб илмида ўнли касрни жорий қилган аллома.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 5. Душман босиб олган жойларда кураш олиб борувчи кўнгиллилар аъзоси. 8. Спорт тури. 35. АҚШнинг 1932—1945 йилдаги президенти. 38. Қишлоқ хўжалиги экини мажмуи.

Фозилжон ОРИПОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ГАЗЕТАНИНГ 65-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. Бонистика. 11. Зулф. 14. Сари. 15. Сунбула. 16. Антиз. 17. Чехов. 21. Кашмири. 22. Умеш. 23. Мари. 26. Кўксултон.

БЎЙИГА: 2. Улоқ. 3. Бокс. 8. Самбо. 9. Фломастер. 10. Канаверал. 12. Суринам. 13. Алгебра. 19. Амаду. 24. Сўқа. 25. «Шонр».

ЁНЛАР БЎЙИЧА: 1. Улгуржи. 4. Тиббиёт. 5. Муаззам. 6. Сибизға. 18. Супурги. 20. Еттисув. 27. Сешанба. 28. Лауреат.

Бош муҳаррир полковник Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0193.

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА

ПРОБЬЕТ ЛИ ЧАС «СЕРЕДНЯЧКА»?

Сегодня, как мы и обещали нашим читателям, подводим окончательный итог одиннадцатого тура, который завершился матчами «Локомотив» — «Нефтчи» и «Трактор» — «Согдиана». Если вы посмотрите на турнирную таблицу и, в частности на графу «мячи», то наверняка заметите, что железнодорожники, хоть и сами не блещут результатами, но и своим соперникам не дают особо отличиться. Даже в матчах с фаворитами дебютанты держатся на уровне, а если и уступают, то с минимальным счетом. Конечно, данное обстоятельство не радует, и тем не менее, это не такой уж и плохой знак. По всему чувствуется, что у команды есть определенные резервы, которые в свое время могут быть рационально использованы. В матче с нефтяниками «Локомотив» пропустил лишь однажды, что полностью отражает рисунок игры. Если в первом тайме встреча проходила на встречных курсах, то во втором — инициативой владели хозяева, и, если бы не досадная ошибка голкипера хозяев, приведшая к единственному голу в этом матче, то еще неизвестно, с каким бы настроением покидали столицу ферганцы.

Что касается поединка «Трактор» — «Согдиана», то здесь доминировали тракторостроители, сумевшие в итоге трижды поразить ворота «Согдианы». Однако эта победа никак не повлияла на турнирное положение «Трактора», который по-прежнему в опасной зоне. Хотя, если брать по большому счету, такая участь может постигнуть, по крайней мере, еще пять клубов, а это, согласитесь, настораживает...

Ярослав КОРУКА.

ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 11-го ТУРА:

	И	В	Н	П	М	О
1. «Пахтакор»	10	9	1	0	30—2	28
2. «Навбахор»	11	9	1	1	30—5	28
3. «Насаф»	11	8	1	2	23—7	25
4. «Нефтчи»	9	8	0	1	21—5	24
5. «Металлург»	11	4	2	5	10—19	14
6. «Локомотив»	11	3	4	4	9—8	13
7. «Сурхан»	11	4	1	6	13—18	13
8. «Буҳара»	11	4	1	6	10—22	13
9. «Қизилқум»	11	3	3	5	15—22	12
10. «Трактор»	11	4	0	7	13—24	12
11. «Машъал»	11	3	2	6	14—16	11
12. «Андижан»	10	3	1	6	11—20	10
13. «Согдиана»	11	2	1	8	6—22	7
14. «Самарканд»	11	2	0	9	8—23	6